



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (12.179)

Баҳоси эркин нарҳда

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 5-7 июнь кунлари Хитойга расмий ташрифи ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичини, икки томонлама муносабатлар ривожига янги даврни бошлаб берди.**



Қадим тамаддун бешиklarидан бўлган Ўзбекистон ва Хитой чуқур тарихий илдизларга эга, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорликка асосланган анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини бугунги кунда ҳам изчил ривожлантириб бормоқда. Хитой мамлакатимиз мустақиллигини биринчилар қатори тан олганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Тошкентда 1992 йил 2 январь кунини дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги қўшма коммюнике имзоланиши билан давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган.

Бугунги кунда ўзаро муносабатлар замон талабларига мос равишда барча йўналишларда изчил ривожланмоқда. Давлатларимиз раҳбарлари ўртасида қарор топган ўзаро ишонч ва очиқликка йўналган дўстона муносабатлар ҳамкорлик кўламини муттасил кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда. Давлат раҳбарлари, вазирилик ва идоралар, илмий доиралар, маданият ва санъат намоёндалари, иш одамлари даражасидаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани ҳам икки томонлама муносабатлар ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида раванқ топиб бораётганидан далолатдир. Олий даражадаги ҳар бир учрашув икки ва кўп томонлама муносабатлардаги мавжуд ҳолатларни таҳлил қилиш ҳамда уни янада ривожлантиришнинг устувор соҳа ва йўналишларини белгилаб бермоқда.

Давлатлараро муносабатлар изчил ривожланиши йўлидан борар экан, табиийки, турли мақомдаги учрашувлар ҳам давом этаверадди. Зеро, бугунги замоннинг ўзи вақт синовидан ўтган ишончли шериклар билан ҳамкорлик кўламини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари ҳамфикр эканига, муносабатлар негизда ўзаро манфаатдорлик, ишонч, ҳурмат ва ҳамжиҳатлик мужассамлигига давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Хитойга ўзаро муносабатлар ривожига янги даврни, сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берган ташрифи ёрқин далил бўлди.

Хитойда Ўзбекистонга ҳурмат-эҳтиром нақадар юксак, мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш қанчалик кучли эканига қўйидаги мисол билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Хитой томони Ўзбекистоннинг юксалиб бораётган иқтисодий ва сиёсий салоҳияти ҳамда давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатлар қарор топганини эътироф этган ҳолда, ўзаро муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасига кўтаришдан манфаатдор эканини билдирди. Мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дипломатия муносабатларининг 20 йиллиги кенг нишонланаётган пайтда қабул қилиниши ҳам ўзига ҳос рамзий маънога эга.

Мазкур ҳужжатда сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, маданий-гуманитар соҳалар, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш борасида ҳамкорлик

ни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари белгиланган.

Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ҳақида сўз юритганда, авваламбор, икки мамлакатнинг сиёсий ҳамжиҳатлиги, кўлаб халқаро муаммоларга муносабатлари ўхшаш ва яқин эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Халқаро майдонда Ўзбекистон ва Хитой манфаатларига оид масалаларда мамлакатларимиз бир-бирини қўллаб-қувватлаб, БМТ, ШХТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги алоқаларни кенгайтирмоқда. Президентимиз Ислам Каримов билан учрашувда ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон раҳбарининг кўп асрлик тарихга эга дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган буюк ҳиссасига юксак баҳо берди. Ўзбекистон юритаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлашини, шунингдек, мамлакатимизнинг ички ишларига ҳар қандай аралашувларга қарши эканини таъкидлади.

Мамлакатларимизнинг кенг кўламли савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий-техник ҳамкорлиги ўзаро муносабатларни стратегик ҳамкорликнинг мутлақо янги босқичига олиб чиқиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди. Икки давлат ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва сиёсий ҳамжиҳатлик савдо-иқтисодий алоқалар ривожига, ҳамкорликда кўлаб қўшма бизнес лойиҳаларни ҳаётга татиқ этишда кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи 2008 йилда 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2011 йилда 2,6 миллиард АҚШ долларига етди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган тўрт юздан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон корхоналари Хитой бозорига талаб катта бўлган кимё, нефтни қайта ишлаш ва нефть-кимё маҳсулотлари, пластмасса, полиэтилен, рангли металллар, каолин ва бошқа турдаги кўлаб экспорт товарларини ишлаб чиқармоқда. Хитой иқтисодиётимизнинг реал секторини янгилаш ва модернизация қилишга доир лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида талаб юқори бўлган замонавий ускуналар ва илгор технологик линиялар етказиб бериш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Президентимизнинг учрашувларида мамлакатларимиз ўртасида тузилган ҳукуматлараро ҳамкорлик кўмитаси ва унинг таркибидаги турли соҳалардаги ҳамкорликни биргаликда режалаштириш ва кенгайтириш учун замин яратадиган олти кичик кўмитанинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга бўлаётгани таъкидланди. Зеро, ушбу кўмита ташкил этилиши билан ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни тизимли ривожлантириш учун ишончли институционал асос яратилди.

Хитой томони Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш динамикаси ва кенг кўламли тузилмавий янгилишларга юксак баҳо берган ҳолда, юқори технологиялар соҳасида, жумладан, санъат ва технология паркларини яратиш орқали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирмоқда. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» махсус индустриал зонаси, хитойлик ҳамкорлар билан Жиззах вилоятида барпо этилиши режалаштирилаётган Юксак технологиялар санъат паркни мазкур йўналишда кенг имкониятлар яратиши ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорига муҳим иштирокчилардан бирига айланишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**«Ўзэкспомарказ»да очилган тармоқ санъат ярмаркасида геология, ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё, нефть-кимё ва металлургия санъати корхоналари ҳамда бирлашмалари иштирок этмоқда.**



### Қарор ва ижро

## АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР, МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР

Тадбир Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 1 декабрда қабул қилинган «Санъат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарорига мувофиқ VI Халқаро санъат ярмаркаси ва Кооперация биржанинг биринчи босқичи доирасида ўтказилмоқда.

Тармоқ санъат ярмаркаси ва кооперация биржасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — корхоналарга қайта ишланган хомашё, материаллар ва бутловчи буюмлар, тайёр товарларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб беришда узоқ муддатли хўжалик муносабатларини кенгайтириш, тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш асосида янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришга кўмаклашиш, хорижий харидорлар ва Ўзбекистон Республикасида маҳсулот ишлаб чиқаришни

режалаштираётган шерикларни жалб қилишдан иборат.

Шуни таъкидлаш керакки, санъатчиларнинг ушбу тадбирга қизиқиши йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, иштирокчилар сонининг кўпайишида муҳим омил бўлаётди. Масалан, ўтган йилги тармоқ санъат ярмаркасида 84 корхона катнашган бўлиб, уларнинг йигирматаси хорижий фирма ва компаниялар эди. Бу йилги тадбирда қатнашиш учун юздан ортиқ корхонадан ариза тушди.

Бу галги ярмаркада «Ўзкимёсанъат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик бирлашмаси, Олмалик ва Навоий конметаллургия комбинатлари таркибига кирувчи ҳамда бошқа корхоналар иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

### «Битирувчи — 2012»

## ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ ТАЖРИБА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 майда қабул қилинган «2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида»-ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур тизимли ва изчил ишлар натижаларидан корхона раҳбарлари ҳам, мазкур корхоналарга ишга келаётган ёш, ташаббускор мутахассислар ҳам мамнун. Негаки, улар учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Шу билан бирга, коллежлар ўқитувчиларининг ўз шогирдлари келажагидан кўнгли тўлмоқда.

**Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда касб-хунар коллежлари битирувчиларини уч томонлама шартнома тузиш орқали ишга жойлаштириш тизими тобора такомиллашмоқда. Битирувчиларни иш билан таъминлаш, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш кўрсаткичлари яхшиланмоқда.**

— Биз матбаа мутахассислари ва бухгалтерлар тайёрлаймиз, — дейди Чилонзор матбаа касб-хунар коллежи директори Дилфуза Толипова. — Жорий йилда ўқув муассасамизни 185 нафар битирувчи тугатмоқда, уларнинг 175 нафари коллежга бириктирилган

корхоналар билан уч томонлама шартнома имзоланди. Утган йили коллежмизни тугатган ёшлар ҳозирги кунда матбаа корхоналарида технолог, хусусий корхоналарда бухгалтер ва банкларда оператор бўлиб ишламоқда.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср сағоси

Барча манбалардан олинган суниги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий шаҳрида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган «Энг намунали ёш оила» кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур танловда кўйи босқичларда голиб чиққан ўрта ёш оила иштирок этди.

● Самарқанд вилояти Жума шаҳрида тадбиркор Санъат Жуманова саъй-ҳаракати билан лойиҳа қиймати 600 миллион сўмлик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга тушди. Натижада савдо дўкони, компьютерларга хизмат кўрсатиш шохбачаси, аёллар салони, телефон таъмирлаш устaxonасидан иборат мажмуада 44 киши иш билан таъминланди.

● Қашқадарёда оилавий ансамблларнинг республика кўриктанлови бўлиб ўтди. Энг улғу, энг азиз байрамга бағишланган мазкур танловда энг яхши оилавий ансамбллардан ташқари «Энг ёш ижрочи», «Энг яхши мақом ижрочиси», «Энг яхши лалар ижрочиси», «Энг яхши рақс ижрочиси» сингари бир қатор номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

● Андижон шаҳрида касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Меҳнат ярмаркасида минг нафардан ортиқ ёш мутахассислар турли корхона, ташкилот ва муассасаларда доимий ишлаш учун йўлланма олди. Катнашчиларнинг ишга жойлашиш ва меҳнат қонучилигига оид саволларига тегишли мутахассислар томонидан жавоблар берилди.

● Қарши шаҳридаги «Геолог» маданият ва спорт-соғломлаштириш марказида ўзбек жанг санъати бўйича Амир Темур хотира-сига бағишланган республика турнири ўтказилди. Мусобақада Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 7-14 ёшдаги 200 нафардан ортиқ спортчи ўзаро беллашди.

### ЖАҲОНДА

● Судан ва Жанубий Судан 19 июнда ўртадаги муносабатларни меъёрлаштириш юзасидан музокаралар ўтказишга келишиб олди.

● Кеча Лондон хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 0,10 долларга камайиб, бир баррели 97,03 долларни ташкил этди.

● Кеча Россиянинг Свердловск вилояти худудида ҳаракатланаётган шағал ортилган поезднинг саккизта вағони издан чиқиб кетди. Нохуш ҳодиса натижасида ҳеч ким жабрланмади.

● Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, 2017 йилга бориб дунёда табиий газ савдоси ўттиз беш фоиз, яъни 576 миллиард куб метрга ошади. Умумий газ истеъмоли эса 3,937 триллион куб метрни ташкил қилади. Агентлик вакиллари айтишича, келгуси беш йил ичида газ қазиб олиш бўйича рақобат кучайиб, АҚШ Россияни ортада қолдиради ва дунёда биринчи ўринга чиқади.

● Хитой ҳукумати 2015 йилга бориб яна етмишга янги аэропорт барпо этиш ва мавжуд аэропортларнинг юздан зиёдини таъмирлашни режалаштирмоқда. Хитой Фукаро авиациясининг департамент директори Ли Цзясянинг сўзларига кўра, ҳозир Хитойда 180 аэропорт фаолият кўрсатмоқда. Янги аэропортларни барпо этиш лойиҳасига кўра, Хитой ҳукумати йилига уч юздан зиёд самолёт сотиб олишни ҳам режалаштирмоқда.

● Тайваннинг «Gigabyte Technology» компанияси харидорларга дунёдаги энг «митти» ноутбукларни тақдим этмоқда. Оғирлиги 975 граммни ташкил этувчи Х11 ноутбукнинг экрани 11,6 дюймни ташкил қилади. Бу янги технологиянинг корпуси углерод толалардан тайёрланган бўлиб, 4 гигабайт хотирага эга. Катта ноутбуклар сингари кўлаб вазибаларни бажарувчи бу митти электрон китобча жорий йилнинг июль ойида савдога чиқади. Унинг нархи тахминан 1200 АҚШ долларига тенг.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Мудофаа вазирилик олий ҳарбий таълим муассасаларида навбатдаги битирувга бағиш-

ланган тантанали маросим ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** пойтахтимизда «Футболдими келади» республика кубоги мусобақалари бошланади. Унда 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёшлар мусобақанинг Тош-

кент шаҳар босқичида ўзаро куч сынашилади.

✓ **ЭРТАГА** «Гулбаҳор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олиб ўйларига қайтаётган 200 нафар қорақалпоғистонлик болаларни Тошкент марказий темирйўллар

вокзалида кузатишга бағишланган тадбир бўлади.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Олмазор туман бўлими томонидан 3-автобус саройида «Гирёвандлик аср вабоси» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг расмий ташрифи чоғида ишбилармонлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам келишиб олинди. Зеро, бизнес вакилларининг бевосита алоқалари қанчалик фаоллашса, ўзаро савдо ҳажми ҳам, ҳамкорликдаги қўшма лойиҳалар миқдори ҳам шу қадар ошади. Бу борада яхши тажриба тўпланган. Хитойлик бизнес вакилларининг Ўзбекистонда, мамлакатимиз компаниялари, тадбиркорлари ва фермерларининг Хитойда ўтказилаётган турли кўргазма, ярмарка, бизнес форум ва конференциялардаги муносабатларини яхши самара бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Пекин, Шанхай, Сиан, Тайчжоу каби шаҳарларда мамлакатимизнинг иқтисодий, сармоявий, сайёҳлик салоҳияти тақдирини бағишланган кўлаб тадбирлар ташкил этилди.

Ўзбекистонда иқтисодий-иқтисодий соҳада эришилаётган муваффақиятлар, барқарор иқтисодий ўсиш суратлари, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар, мамлакатимизда яратилган қўлай сармоявий муҳит, компанияларимиз ҳамда тадбиркорларимизнинг хитойлик шериклар билан ҳамкорлиги истиқболлари, янги технологияларни жорий қилиш ва ривожлантириш, қўшма корхоналар ташкил этиш ва сайёҳлар алмашувини фаоллаштириш сингари кенг кўламли масалаларни ҳам қамраб олган бундай тадбирлар Хитой жамоатчилиги, хусусан, ишбилармон доиралари вакилларидан катта қизиқиш уйғотмоқда.

Буни юртимизда яратилган қўлай инвестицион муҳитдан самарали фойдаланиб, бизнес юртимизда хитойлик ишбилармонлар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида Хитой билан ҳамкорликда ташкил этилган 12 корхона фаолият юритмоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Файрат Турғунов. — Марғилон шаҳридаги «Narimteks», Қўқон шаҳридаги «Imano Group», «Болалар орузси», Фарғона шаҳридаги «Fardo-Fel», Фарғона туманидаги «Модерна керамика индустризи», Фурқат туманидаги «Фурқат гишт курилиш» сингари корхоналар шулар жумласидандир. Қўқон шаҳридаги 2010 йилда иш бошлаган «Болалар орузси» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси қисқа фурсат ичида ички бозорда ўз харидорларини топти. Корхона замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Болалар учун пойабзаллар ишлаб чиқаришга иқтисодлаштирилган мазкур корхонада айни пайтда 18 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Марғилондаги «Narimteks» қўшма корхонасида эса аёллар учун қишқи устки кийимлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг Хитойга расмий ташрифи доирасида эришилган келишувлар мазкур йўналишдаги ҳамкорликни тубдан кенгайтириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Ташриф асосидаги мулоқотларда қайд этилганидек, маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорлик изчил фаоллашяётгани икки томонлама алоқаларнинг янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда. Илмфан ва таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, туризм ҳамда бошқа қатор йўналишларни қамраб олган 2010-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётгани бу жараёнда муҳим аҳамият касб этаётди.

«Ўзбекистон — Хитой» дўстлик жамияти халқларимизнинг дўстлик ришталари ва маданий алоқаларини мустахкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. 1998 йилда тузилган ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси икки мамлакат фуқароларини Ўзбекистон ва Хитой тарихи, маданияти ва санъати, халқларимизнинг урф-одатлари, анъана ва қадри-

ятлари билан яқиндан таништиришдан иборат. Пекин шаҳрида 2005 йилда ўз ваколатхонасини очган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси миллий маданиятимиз, қадрият ва анъаналаримиз ҳамда бой тарихий меросимиз ва бетақор санъатимизни Хитойда кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Тошкентда хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций институти фаолият юритаётгани мамлакатларимиз ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг жадал тараққиётига мисол бўла олади. Пойтахтимизда 2005 йилда ташкил топган ушбу институт ўзбекистонлик ёшларга хитой тили ва маданиятидан сабоқ бериш баробарида, турли тадбирлар воситаси билан икки мамлакат ўртасида гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўтган йилнинг июль ойида Хитойда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Анжуман доирасида Пекин ва Сиан шаҳарларида санъаткорларимиз ижросида миллий мусика ва қўшиқларимиздан иборат концерт дастурлари намойиш этилди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган жорий йилда бадиий жамоаларнинг ўзаро ташрифлари, анжуман ва форумлар ўтказиш янада фаоллашди. Зеро, бундай тадбирлар давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг иқтисодий асосларини мустахкамлашга хизмат қилади.

Хитой раҳбарияти мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ва кенг кўламли иқтисодий-иқтисодий ислохотларга, Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

Дарҳақиқат, Хитой ўзаро ҳамкорликдан манфаатдор мамлакат сифатида Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий-сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб келади. Ушбу мамлакат оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан мутасил тараққий этаётган алоқаларини атрофича ёритиб бормоқда. Яқинда Шанхай Иқтисодий форум академиясида Ўзбекистонда қабул қилинган «Мустахкам оила йили» Давлат дастурига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистонда жамият асоси ва таъини бўлиши оилани янада мустахкамлаш ва ривожлантириш, оила манфаатларини ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимоя қилиш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оиланинг барқарор авлодни тарбиялашдаги ўрнини юксалтириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Хитой жамоатчилигида Ўзбекистон иқтисодий-сиёсий ҳаётига қизиқишининг нечоғли катта эканини Шанхай иқтисодий форум академияси халқаро департаменти директори Ли Ихайнинг қўйидаги сўзлари ҳам яққол ифодаляди: «Ўзбекистонда 2012 йилнинг «Мустахкам оила йили», деб эълон қилиниши мамлакат раҳбариятининг келажақ эгалари бўлган ёшларга нақадар ғамхўрлик кўрсатаётганидан далолатдир. Зеро, оила қуришининг энг муҳим даврида кўрсатиладиган ёрдам Ўзбекистоннинг келажақи учун мустахкам замин яратгани ҳолда, унинг жаҳон саҳнасидаги муносиби ўрнини янада мустахкамлашга ҳам хизмат қилади».

Президентимиз Ислам Каримовнинг Хитойга расмий ташрифи ўзаро муносабатлар тараққиётида янги саҳифа очди. Айни пайтда томонлар давлатларимиз ҳамкорлигини мамлакатларимиз раънақи, халқларимиз фаровонлиги йўлида узок муддатли стратегик асосда фаол ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришга тайёр эканлигини яна бир бор намоён этди.

Олим ТўРАКУЛОВ, ЎЗА шарҳловчиси

**Мамлакатимиз иқтисодиёти тузилмаларида назоратни кучайтириш, аудиторлик текширишларни кенг йўлга қўйиш, уларни халқаро ҳисоб стандартларига мослаштириш ҳамда бу муносабатларни бозор иқтисодиёти қондаларига мувофиқ ташкил этиш иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.**

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОШИШИДА МУҲИМ ОМИЛ

Бугун жаҳон бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи инфратузилмалар фаолияти йўлга қўйилганлиги мамлакатимизда хорижий давлатлар сармояларининг кириб келишига замин яратиб, турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва иш жойлари ташкил этилишига асос бўлмоқда. Айтиш жоизки, ўз капиталини Ўзбекистон иқтисодиётига киритмоқчи бўлаётган хорижий инвесторлар олдида ишончли шерик танлаш ва уларнинг молиявий ҳолатини аниқ баҳолаш каби муаммолар ҳам йўқ эмас.

Шунингдек, молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги таъминланишида муассадди ташкилотлар томонидан мукамал текшириш ишлари олиб борилиши ҳамда тасдиқланиши талаб қилинади. Айниқса, ҳозирги кунда молиявий инструментлар сифатида таснифланувчи қимматли қоғозлар ҳақидаги ҳисоботларнинг долзарблиги ошиб бормоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, корхона ва ташкилотларнинг молиявий фаолиятига тўла баҳо берувчи маълумотлар инвесторларга ҳолисона етказилиши шарт. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар асосида мукамал ёритилиши келажақда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар кўламининг ошишига замин бўлиб хизмат қилади.

Баҳодир САПАРОВ, Тошкент Молия институти магистранти

## 2012 йил — Мустақкам оила йили

### ИҚТИСОД, ОИЛА ВА ЁШЛАР

**Ҳар қандай мамлакат ва миллат ҳаётида иқтисодий муносабатлар муҳим аҳамият касб этиши ҳаммамизга аён. Зеро халқимизнинг минг йиллик тажрибаси маҳсули ўлароқ дунёга келган «аввал иқтисод, кейин сиёсат» ибораси бежиз айтилмаган.**

Республикаимизда ўтган йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани бу йўналишда ислохотлар, чора-тадбирлар амалга оширилишига, соҳага янгиликлар кириб келишининг жадаллашувига ва, умуман, соҳа ривожига хизмат қилди, десак муболаға бўлмайди. Жорий йилнинг «Мустахкам оила йили» деб номланиши эса ўтган йиллардаги янгиликларнинг узвий ва мантқий давоми бўлаётди. Зеро оиланинг мустахкам бўлишида ўзаро ҳурмат, шарқона гўзал эҳтиром, ишонч, муҳаббат, садоқат ва андиша сингари азалий қадриятлар билан бир қаторда иқтисодий собитлик ҳам катта таъсир кучига эга.

«Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган «Менинг бизнес гоём» талови доирасида ташкиллаштирилган ўқув-амалий семинарлар, давра сўхбатлари ва тренингларда ҳам тадбиркор ёшларга ана шу масалалар юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Бундан ташқари, «Микрокредит-банк» ОАТБ ташаббуси билан ташкил этилган «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси доирасида ўтказилган семинарда ҳам худди шу мавзуда сўз борди. Тадбирдан қўзланган асосий мақсад эса худудлардаги касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлиги-

ни таъминлаш, ёшларнинг инновацион гояларини иқтисодиётга жорий қилишдан иборат.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, «Мустахкам оила йили» Давлат дастури доирасида ёш оилаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикаимиздаги юқорида қайд этилган биргина банк томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 1048 та ёш оилага 6,8 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлиги учун 10,6 млрд. сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларига 1,3 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

«Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деган халқимизнинг ажойиб мақолини кўп бора эшитганмиз. Турмушнинг чиройли бўлиши учун аввало меҳнат ва ў орқали иқтисодий аҳволнинг яшиланишига эришиш жамият раънақи ҳам ўз ўрнида хизмат қилиши тайин.

Иқтисодий билим даражасининг юқори бўлиши, ишбилармонлик ва тадбиркорлик сингари хусусиятларни ёшлар онига чуқурроқ сингдириш оилаларнинг мустахкамлиги йўлидаги муҳим қадамлардан бири эканлиги шубҳасиз.

Достон ЭСАНОВ, ТТЙМИ иқтисодиёт факультети талабаси

## ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ ТАЖРИБА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент шаҳар маданият ходимлари касабаяушмасининг бирлашган кўмитаси Чилонзор матбаа коллежи билан кўп йиллардан буюн ҳамкорлик қилиб келади. Коллежини имтиёзли диплом билан тугатаётган Зулайхо Икромова айнан мазкур корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқда.

— Зулайхо қобилиятли қиз, ҳар бир янгиликни тез ўзлаштиради, — дейди ЎЗА муҳбирига маданият ходимлари касабаяушмасининг бирлашган кўмитаси бош бухгалтери Шаҳноза Аҳмедова. — Амалиёт даврида у коллежда нафақат бухгалтерлик мутахассислиги, балки ҳужжатлар билан ишлаш ва иш юриштиши ҳам пухта ўрганганини исботлади. Бундан ташқари, уни референт сифатида ҳам синая кўрдик ва бу вазифани ҳам муваффақиятли уддалади. Коллежларимизни битираётган ёшларнинг юқори касбий тайёргарликка эга экани кишини қувонтиради.

— Икки ойлик ишлаб чиқариш амалиёти ҳар томонлама фойдали тажриба эканига ишонч ҳосил қилдим, — дейди З.Икромова. — Амалиёт даврида ўзимга бўлган ишончим янада ортди, коллежда олган назарий билимларимни амалиётда мустахкамладим. Жамоадаги дўстона муҳит бу ерга тез мослашимда муҳим омил бўлди, ростини айтсам, амалиётни ўташ муддати тугаб бораётганидан бироз афсусдаман. Бу йил Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетида ўқишга кирмоқчиман. Тест синовларидан муваффақиятли ўта оламан, деган умиддаман. Ўқишга киролмаган тақдирда ҳам, қаддон бўлиб қолган жамоамга келиб, ишимни давом эттиришим мумкин.

Анастасия ЭМ

## Алоқа

### ПОЧТАДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ

**«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти филиалларида қатор замонавий технологиялар жорий этилмоқда. «Почта алмашуви» ҳафталиги ҳам йўлга қўйилди.**

Бунинг учун почта кузатувчилари мобиль алоқа воситалари билан, почта алмашув маскани «АК-72-02» русумли металлдетектор, «НПО» русумли дозиметрлар билан таъминланди. Шунингдек, «Обертон» қўл микропроцессорли металлдетектор, «Автоклар 46-26» интероскоп ренгенотелевизион аппаратлардан фойдаланилмоқда.

Почта алоқаси объектларида мижозларга электрон пул ўтказмалари хизматидан кўпчилик баҳраманд бўлаётди. Мана икки йилдирки, Россия, Украина, Қозоғистон, Молдова давлатлари билан электрон пул ўтказмалари амалга ошириб келинмоқда. Янги ахборот технологияларини қўллаган ҳолда халқаро почта жўнатмаларига ишлов бериш, қисога олиш, етказиб беришни назорат қилиш мақсадида «Рўйхатга олувчи халқаро кирувчи почта жўнатмалари ўтишини назорат қилишининг автоматлаштирилган тизими» янги коммуникацион технологиялар билан жиҳозланди. Барча туман почта алоқаси тармоқларида эса электрон почта мунтазам равишда ишлаб турибди. Бу эса иш самарадорлигини ошириб, қоғоз ва босма ҳужжатларни камайитиш имконини бераётди.

Озод АББОСОВ

## АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР, МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси стенида, айниқса, эътиборга лойик. Бу ерда Тармоқлараро ва ички тармоқ кооперацияси бўйича маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган янги маҳсулотлар, яқин йиллар ичида ўзлаштириш режалаштирилаётган истиқболли маҳсулотлар, шунингдек, 2012-2013 йилларда маҳаллийлаштириш учун мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига тақлиф этилаётган импорт маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

— Корхоналаримиз ҳар йили мазкур форумда фаол қатнашиб келмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бош бошқармасининг ягона техник сиёсат бўлими бошлиғи Ерден Турсинбоев. — Ўтган йилги тадбирда бўлимларимиз 2012 йил учун импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар харид қилиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича қиймати қарийб 374 миллиард сўмлик 467 та шартнома тузган эди.

Бу тармоқда четдан келтириладиган моддий-техника ресурслари, бутловчи буюмлар ҳажмини йилдан йилга камайитириш, валюта маблагларини тежаш ҳамда қўшма иш ўринларини яратиш имконини бераётди. Навоий кон-металлургия комбинатининг турли хил маҳсулотлари ва стени ҳам эътиборни тортади. Бу ерда 300 дан ортиқ саноат буюмлари тақдим этилган. Энг замонавий технологиялар асосида тайёрланган заргарлик буюмлари ташрифи буюрғанлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Комбинат 2012 йилда маҳаллийлаштириш учун тақлиф этилаётган подшипниклар, пармалар, фрезалар ва бошқа 60 турдаги маҳсулотни намойиш этмоқда.

«Ўзметкомбинат» очик акциядорлик бирлашмасининг кўргазма стени ҳам кишида катта таассурот

қолдиради. Бу ерда корхонада ишлаб чиқарилаётган қора металллар прокати, мис ва унинг қотишмаларидан тайёрланган буюмлар, пайвандлаш электродрлари, сирланган пўлат идишлар, қурилиш михлари, сим тўрлар каби кўплаб маҳсулотлар намуналари намойиш этилмоқда.

Бирлашма мутахассисларининг таъкидлашича, жорий йил биринчи чорагида комбинат томонидан қиймати қарийб 30 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. 2012 йилнинг биринчи чорагида аввалги саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар белгиланган топшириққа нисбатан 103 фоизга бажарилган.

Шуниси эътиборлики, тадбир доирасида экспорт қилинаётган маҳсулотларни сотиб олиш, импорт ўрнини босадиган ва экспортроб харидорнинг маҳсулотлар ўзлаштириш бўйича саноат кооперациясида қатнашиш ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни ташкил этишдан манфаатдор хорижий шерикларни жалб этиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётди. Ярмаркада илк бор иштирок этаётган «Электр қувват қурилмалари» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Корхона биринчи босқичда йилга 100 мингта трансформатор ишлаб чиқариш қувватига эга. Қўшма корхона бош директори Ван Синхеннинг айтишича, тармоқ саноат ярмаркасида корхона турли русумдаги тўрт хил трансформаторни намойиш этмоқда. Тадбир даврида маҳсулот етказиб бериш ва сервис хизматлари кўрса-



Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олган суратлар

тиш учун қатор шартномалар тузиш режалаштирилмоқда.

Бу йилги ярмарканинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда муҳим ўрин тутди. Бундай корхоналар учун кўргазма майдонларини тақдим этишда имтиёзли шартлар яратилган бўлиб, уларга услубий ёрдам кўрсатилмоқда.

Идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари ўзларининг техник ҳамда технология имкониятларини янада тўлиқ намойиш этиш учун корхоналари тақдиротини ҳам ўтказди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.Ибрагимов иштирок этди.

Меҳрибон МАМЕТОВА

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

**Давлат солиқ хизматининг қатор соҳалари жараёнлари тўла автоматлаштирилмоқда. Солиқ декларациясини Интернет орқали электрон шаклда топшириш ҳам муҳим янгиликлардан бири бўлди. Шу боис интерактив хизматлар сони эндиликда 16 тага етиб, улар тобора кенгайтирилиб бормоқда.**

— Фуқароларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларациясини электрон шаклда тақдим этиш интерактив хизмати энг яхши лойиҳа деб топилиб, махсус соврин билан тақдирланди, — дейди Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг янги технологиялар илмий-ахборот маркази раҳбари Рустам Мустафоқулов. — Солиқ тўловчиларга қўлайлик яратиш мақсадида яна бир янги интерактив хизмат юридик ва жисмоний шахсларга солиқ қарздорлари тўғрисида маълумот олиш имконини беради. Контрагент тўғрисида маълумот олиш имкониятини берувчи истиқболли хизмат тури эса яқин орада жорий этилади. Софтвер индустриясини ривожлантиришнинг истиқболлари Ўзбекистон дастурчилари Миллий форумида муҳокама қилинди. Маълумотларни муҳофаза қилишни кучайтириш, дастурий таъминотни ўзбек тилига таржима қилиш масалаларига ҳам эътибор берилди.

Анвар ВАЛИЕВ

Мулоҳаза учун мавзу



лик. Бундан ташқари тумшукбанди кийгизилмаган ҳолда итларнинг сайрга олиб чиқилиши ҳолатларини ҳам кўраемиз.

Ҳолбуки, «Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари»нинг тўртинчи қисмида «Итлар ва мушуклар эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» белгилаб берилган. Жумладан, 19-бандда «итлар ва мушукларнинг умумфойдаланишдаги жойларни (кириш жойларини, зинапоя майдончаларини, лифтларни, болалар майдончаларини, йўлчаларни, йўлакларни, кўка-

нинг оғир оқибатларини бартараф этиш учун қанча куч, маблағ, сабот ва матонат керак.

Кечқурунлари, ҳатто, баъзан кундузлари ҳам маҳалласида тинчгина айланиб юрган кексалар, айниқса, ёш болаларни ит ёки мушук кўрқитиши оқибатлари-чи? Тиббиёт фани исботлаганки, одам кўрқис орқасидан ҳам кўп касалликлар ортириб олиши ҳеч гап эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг эсла-ти ўтилган 202-қарорида қаровсиз қолган дайди ит ва мушукларни тутиб, йўқотиш чорасини кўриш ҳам кўзда тутилган. Ҳатто, шу қарор асосида 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари, шаҳар ва туман давлат ветеринария бўлиmlарининг итларни тутиш бригадалари негизида шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари хузурида қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлиmlари ҳам ташкил этилди.

Бироқ кўриниб турибдики, бу ишга мутасадди бўлганлар, назаримизда, етарли фароият олиб бормаяптилар.

Куни кеча «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш ҳамда санитария қоидаларига риоя қилишини тартибга солиш тўғрисида» шаҳар ҳокимлигининг қарори чиқди. Унда жумладан, «Хонаки ва овланадиган ҳайвонларни ҳамда паррандаларни сақлаш тартиби тўғрисида» ҳам қатор тадбирлар белги-ланган. Эндиликда ушбу тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилишнинг вақти келди, деб ўйлаймиз.

...Биз кўрган имизни гапирдик. Айни тонг пайтида қичқиндиҳоналар атрофида уймалашиб юрган ит ва мушукларни учратамиз. Буни кўпчилик тасдиқласа керак. Аммо масъулиятни ҳис этмасак, хабар бермай, лоқайд бўлаверсак, ана шундай муаммолар кели чиқаверади. Ҳолбуки, шаҳримизни обод ва гўзал маконга айлантириш вазифасига шу масалани оқилона ҳал этиш ҳам кирради.

Шу ўринда яна бир гап. Жонзот деганда биз жониворлар — уй ҳайвонлари бўлиши сизга, кўй ва паррандаларни ҳам тушунамиз. Айниқса, шаҳар худудида уларни боқилишнинг ўз тартиб-қоидалари бор ва буни ҳеч ким бузмаслиги керак. Баъзан кўп қаватли уйлар атрофида санитария-гигиена талабларига зид равишда кўй ёки товук боқилаётганлигининг ҳам гувоҳи бўламиз. Бундай ҳолатнинг атроф-муҳит ва кишилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатишини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз лозим. Қолаверса, бу умуман мумкин бўлмаган ҳолат.

Хуллас, ҳаёт олдимизда пайдо бўлаётган бу каби муаммоларни ҳал этишга ундайверади. Агар барчамиз — кенг жамоатчилик бу борада ҳамжихат бўлсак, ҳар қандай муаммога оқилона ечим топишимиз мумкин.

Ҳа, жонзотларни сақлашда ҳам тартиб-қоидалар бор. Аммо бунга барчамиз бирдай риоя қиляпмизми?

Сиз бунга нима дейсиз?

**Зийрак бобога Олим МАХМУДОВ котиблик қилди**

**Кўёш тафти кишига қувват бағишлайди, дейишади. Рост. Ҳозир пойтахтимизда айни ёз, иш қизиган пайт. Қанчадан-қанча янги иморатлар бунёд этилган. Узоқ чўзилган қишда ўйдим-чуқур бўлиб қолган йўлларимиз таъмирланган. Ободонлаштириш ишларини айтмайсизми?! Ҳамма жойда меҳнат авжида. Бу кишининг баҳри-дилини очиб юборади...**

Шаҳар экологияси, кишилар саломатлиги — аввало, бевосита сув билан боғлиқ. Худудни кўкаламзорлаштириш, боғлар, иморатлар атрофи ва кўча бўйларида дархат кўкартириш учун ҳам оқар сув керак. Табиати, хусусан, оқар сув билан таъминланганига кўра, Марказий Осиё шаҳарлари орасида Тошкент билан беллашадигани йўқ.

Шундай мегаполис шаҳарни сув билан таъминлашнинг ўзи бўлади, дейсизми?!

Бугун шаҳар ичра жами 1 минг 114 километрга чўзилган оқар сув тизими мавжуд. Бир-бирига улаб ҳисобласангиз, бу Тошкентдан Нукусгача бўлган масофани ташкил этади.

Инсон — табиат билан тирик. Хусусан, ҳозирги замонда шаҳар экологиясини сақлаш масаласига янада жиддий эътибор берилмаса, инсон саломатлигига таъсири бўлади. Бу катта шаҳарларнинг бирламчи муаммоси.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўрнатган меъ-рлар бўйича шаҳарлар худудининг камиди 15 — 20 фоизи кўкаламзор ерлардан иборат бўлиши керак. Шунда мўътадил иқлимни сақлаб туриш мумкин бўлади.

Бугун Тошкентимизнинг эса нақ 15 минг гектари — яшилликдан иборат. Бу умумий майдоннинг 30 фоизини ташкил этади. Демак, айни ҳақдан амалдаги меъ-рларга нисбатан қарийб икки баробар кўп кўкаламзорликка эга эканмиз. Шаҳарда бугун 35 та боғ мавжуд.

1991 йили киши бошига бор йўғи 21 квадрат метр яшил майдон тўғри келган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 70 квадрат метрни ташкил этади. Бу жиҳатдан ҳар бир кишининг тоза ҳаводан нафас олиши учун имконияти қарийб уч ярим ҳисса ортганидан далолат беради.

Буларнинг бари — яхши. Бундан ҳаммаимиз мамнунмиз. Бироқ энди ана шундай гўзал шаҳримизни асраб-авайлаш, унинг табиатини муҳофаза қилиш, юксак экология талабларига қатъий риоя қилган ҳолда яшаш — барчамизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Ана шу талабларга риоя қилишда баъзан майда масала деб қараладиган жиҳатлар ҳақида сўз юртмоқчимиз. Бу ҳам бўлса жонзотларни сақлаш ва уларнинг атроф-муҳитга таъсири масаласи.

Кўп қаватли уйдаги хонадонда ит боқилиш шаҳримизга етиб келгани ҳам кўп бўлган. Ҳўш, анча йиллар олдин бир нотиж тақлим этганидек, бу ҳол маданийлик белгисими?

Тўғри, инсон ҳам — табиатнинг бир бўлаги. Барча яратилмиш жонли мавжудот инсон тарафидан асраб-авайлашни лозимлигини ҳаммамиз биламиз.

Аммо кўп қаватли уйлардаги хонадонларда, асосан, инсон учун яшаш шароитлари муҳайё қилинган. Тўғриси айтганда, ҳамма жонзотларни ҳам санитария-гигиена қоидаларига ўргатишнинг асло иложи йўқ.

Таъкидлаш керакки, кўпинча ит ёки мушук теккан озиқ-овқатни истеъмол қилиш одам учун талай касалликларни келтириб чиқариши мумкин ва ҳоказо.

Кўп қаватли уйда ит ёки мушук боқилаётган хонадондан келадиган ёқимсиз ҳид кўшиларни ҳам бевосита қилиш ҳеч гап эмас. Бу ўринда бир кишининг манфаати бошқаларнинг, яъни кўпчиликнинг манфаатига зид келиб қолади. Чунки жонзот боқилишда ҳамма ҳам бирдай санитария қоидаларига риоя қилавермаслиги маълум.

Яна бир муаммо бор. Кўп қават-

ли уйлар атрофида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, аҳоли саъй-ҳаракати билан болалар учун ўйин майдончалари барпо этилган. Одамлар эрталаб ва кечқурун итларини айнан ана шу ерларда айлантиради...

Ҳозир шаҳримизнинг қай бир худудига борманг, бир текис ўсган яшил майсазорларни кўриб, баҳри-дилингиз очилади. Бу ҳам шаҳримиз экологиясини яхшилашнинг бир омили. Бироқ мана шундай майсазорларга ҳам жонзотлар оралаб, атроф-муҳитга зарар етказилмоқда.

Маҳаллалардаги баъзи мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ҳовлилари ҳам уй ҳайвонлари ва ит боқувчилар учун тайёр жойга айланиб улгурган. Хусусан, мактаб стадионлари улар учун

қулайгина сайилгоҳ. Лекин экологик жиҳатдан энди шу ерда мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсини ўтишини тасаввур қилинг. Ҳўш, бугун пойтахтимизда қанча ана шундай жонзот мавжуд? Ҳеч ким бунинг ҳисобини юритмаган бўлса керак. Уйда боқилаётганларидан ташқари, кўчаларда эгасиз юрган дайди ит ва мушуклар қанча? Уларнинг ҳовлиларга, кўп қаватли уйларга, уйларнинг йўлакларига кириб юриши, ўзига озиқ-овқат излаши, маҳсулотларни ифлослантириб, истеъмолга яроқсиз қилиб кетишини айтмайсизми?

Агар мушук озиқ-овқатнинг хидини олса, юқори қаватдаги хонадонлар иккинчи қавати деразалари панжараларида ҳам пайдо бўлади.

Шаҳар кўчаларида тартибга риоя қилмай ит етаклаб юриш оқибатида келиб чиқадиган муаммолар матбуотда илгари ҳам кўтарилган. Бир мақолада ит боқилишнинг талай экологик ва маънавий жиҳатлари таҳлил қилинган эди.

Бундан илгари айтилган фикрларга бир қўшимча қилмоқчимиз. Кейинги йилларда ит ва мушук боқилишнинг тартиб-қоидаларига ҳақида махсус қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилдаги 202-қарори айнан «Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» деб номланади. У «аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш масалаларини тартибга солиш бўйича кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш хизматлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида» қабул қилинган.

Ана шу қарорга илова тарзида «Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари» тасдиқланган. Бу масалани қонуний ҳужжатлар асосида тартибга солишдан бошқа йўл йўқ. Акс ҳолда, болаларнинг кум ёки ажриқ майсаларда бемалол ўйнашига мўлжалланган кўп қаватли уйлар ўртасидаги бир парчагина ўйин майдончасида ҳам «ит этилаган хонимлар» каллаи шаҳарлаб итларини сайру саёҳат қилдираверади. Бу сайрдан сўнғ ҳеч ким тозалаб олмайдиган ахлалару намланиб қолган тупроқни айтмай кўя қолай-

ламзорлаштирилган ва ободонлаштирилган худудларни ва ҳоказоларни) ифлос қилишига йўл қўймаслик» қатъий тарзда белги-ланган. Ҳўш, бугун пойтахтимизда Сергели туманидаги «Спутник (Йўлдош) мавзесининг 16-дахасида 25 та кўп қаватли уй, 1 мактаб, 1 мактабгача таълим муассасаси, 1 савдо маркази ва бозорча, 1 маиший хизмат уйи мавжуд. Даҳанинг 8 та кўп қаватли уйи аҳолиси шаҳарга бориб-келиш учун, асосан, ана шу 285-мактаб ҳовлисини кесиб ўтади. Мактаб стадиони — аҳолининг ҳам жисмоний тарбия ёки спорт билан шуғулланиши, ҳам чиқиб, тоза ҳавода бола-чака билан сайр қилиши учун жуда қулай маскан. Аммо, афсуски, кўплар шу сайрга ит ва мушукларини ҳам етаклаб чиқади ва улар айнан шу ерни булгаб кетади.

Бу аҳволни бошқа кўп қаватли уйлар майдончаларида ҳам кузатиш мумкин.

Тўғри, шаҳримизда ветеринария врачлари назоратида бўлган, рўйхатдан ўтган, кўни-кўшилар розилигини олган ит боқайтганлар ҳам бор. Лекин гап рўйхатдан ўтмаган, эгалари жонзотларни боқилиш ва сайр қилдириш қоидаларини бузаётган, турли касалликларни тарқатиш хавфи мавжуд хонаки ҳамда дайди ит ва мушуклар ҳақида кетмоқда. Албатта, улар ҳам экологияга, ҳам атрофдагилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Хуллас, муаммо бор. Ахир, чиқарилган қарор бор, тартиб-қоидалар қатъий қилиб ўрнатилган, аммо ҳамма вақт ҳам ёки ҳамма жойда ҳам шуларга риоя этавермаймиз. Буни ким назорат қиладди? Қандай йўл билан одамларни шу қоидаларга қатъий амал қилишга кўнйтираемиз?

Бунга ҳар ким бефарқ бўлмаслиги керак.

Баъзи хонадонларда катта-катта итлар боғланмаган ҳолда боқилади. Билмай дарвозани очиб юборсангизми, нақ сизга ташланади. Бир неча йил бурун ким киши бир ҳовли дарвозасини тақиллатиб борса, каттагина ит чиқиб, меҳмонга ташланибди...

Эгасиз юрган дайди ит ёки мушуклар орасида кутурганлари бўлмайди, дейсизми? Кутурган ит ёки мушук одамни тишласа, ўша одам қай аҳволга тушади. Бундан ким жабр кўради? Инсон! Энди бу-

Зийрак бобо шаҳар кезади

**ЖОНЗОТЛАРНИ САҚЛАШДА ҲАМ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР БОР**  
**аммо бунга барчамиз бирдай риоя қиляпмизми?**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади! Аукцион савдосига Суд Департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан, 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006 ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти Қўрай тумани, «Дала ҳовлилари» худудида жойлашган, бир қаватли, мансарда, терраса ва подвали пишиқ ғишдан қўрилган, айвон, беседка, бассейн, ёзги ошхонадан иборат 67-сонли дала ҳовли арзонлаштирилган ҳолда тақдоран кўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 185 614 832,50 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 4 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўчлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 2 июль куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишу-ва асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайтими: www.lkms.uz. Лицензия: RR-0001

Ҳамшаҳарларимиз диққатига

«Тошкентшаҳаргаз» филиали шуни маълум қиладикки, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси бўйлаб ўтган газ қувурини таъмирлаш муносабати билан 2012 йил 14 июнь соат 22.00 дан 2012 йил 15 июнь соат 10.00га қадар, ишлаб чиқариш зарурияти тўғрисида, 2012 йил 16 июнь соат 22.00 дан 2012 йил 17 июнь соат 10.00 гача кўйидаги манзилларга газ бериш вақтинча тўхта-тилади.

Яккасарой тумани. Аҳоли бўйича: — Ҳ.Умаров кўчаси, 8,9-сонли, Бобур кўчаси, 1,2,3,46 корпус, 52,54,56-сонли турар жой бинолари, «А.Қаҳҳор», «Дамарик», «Шамс Кулол» маҳалласи, Нукус кўчаси, Янги қурилган «Габус» турар жой биноси.

Маиший корхоналар: — «Бошлиқ» турар жой даҳасида жойлашган «Султон» тўйхонаси, А.Қаҳҳор кўчасида жойлашган тўйхона, Бобур кўчаси, 69-уй манзилида жойлашган музқаймоқ ишлаб чиқариш цехи ва маиший корхоналар, «Олтин дон», «Барака олам» нон цехлари, Бобур кўчасидаги «Журавленок» мактабгача таълим муассасаси, «Тўқимачилик комбинати» ва «Тошкестильмаш» заводи худудида жойлашган маиший корхоналар, «Полимер» заводи худудида жойлашган маиший корхоналар, «Абразив комбинати» худудидаги фирмалар, МКАД (Х.Умаров) кўчасида жойлашган кафе, А.Қаҳҳор 7-тор кўчасида жойлашган «Эсоно»ХК, «ТОМЗ» заводи, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган «Дониёр фарм», «Садиков» ХК, А.Қаҳҳор кўчасида жойлашган «Харинг Сервис», «Караван» кафеси, «Доно Зебо» ОАЖ, «Гранд мебель»ОАЖ, Исроил элчихонаси.

Миробод тумани. Аҳоли бўйича: Авлиёта кўчасида жойлашган 50-сонли турар жой биноси.

Маиший корхоналар: СПК, «Иттифоқ» фирмалари, «Караван», «Карат», «Бухоро», «Лабихровуз» кафелари, «Сурен» корей маркази, «Авалон» фирмаси, «Рабус» меҳмонхонаси, Авлиёта кўчасида жойлашган суд биноси ва ҳарбий госпитал.

Авария ва бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида, газ бериш тўхтатилган давр мобайнида барча газ асбобларини ўчириб қўйишингизни сўраймиз.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

Эълонлар шанба ва як-шанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун теле-фон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзи-лимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 16 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво му-ҳитида зарарли моддалар-нинг бироз йиғилишига риш туради, ёгингарчилик имконият яратмади. Ам-бўлмайди. Шарқдан сеқун-модефернинг ифлосланиш дига 5-10 метр тезликда даражаси 1-3 фозиз шамол эсади. Ҳарорат ке-часи — 18-20, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 16 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво му-ҳитида зарарли моддалар-нинг бироз йиғилишига риш туради, ёгингарчилик имконият яратмади. Ам-бўлмайди. Шарқдан сеқун-модефернинг ифлосланиш дига 5-10 метр тезликда даражаси 1-3 фозиз шамол эсади. Ҳарорат ке-часи — 18-20, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.

